



## ДИНИЙЛИК ВА ДУНЁВИЙЛИК

**ПАНЖИЕВ Сухроб**

*Термиз иқтисодиёт ва сервис университети*

*Ижтимоий фанлар кафуудраси в.б доценти,*

*фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Email: [panjiyev87@mail.ru](mailto:panjiyev87@mail.ru)*

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада динийлик ва дунёвийликнинг ўзига хос-ҳусусиятлари, диннинг маънавий ва руҳий ҳамоҳанглигни таъминлашдек функцияси, дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манбаатлар уйгунилигини таъминлашда ҳам диннинг улкан ижтимоий гуруҳларни уюштира олиши, бирлашишини таъминловчи мағкуравий вазифаси ҳусусида фикр билдирилган.*

**Калим сўзлар:** дин, дунёвийлик, бағрикенглик, маънавият, тенглик, секуляризация, виждон, виждон эркинлиги, демолратия, руҳий ҳамоҳанглик, маънавий юксаклик.

### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматриваются особенности религиозности и светскости, функция религии как средства обеспечения духовно-нравственного согласия, идеологическая функция религии в обеспечении гармонии интересов в системе отношений религии, общества и государства, а также ее способность организовывать и объединять большие социальные группы.*

**Ключевые слова:** религия, секуляризм, толерантность, духовность, равенство, секуляризация, совесть, свобода совести, демократия, духовная гармония, духовное возвышение.

### ABSTRACT

*The article discusses the specific features of religiosity and secularism, the function of religion as a means of ensuring spiritual and moral harmony, and the ideological function of religion in ensuring the harmony of interests in the system of relations between religion, society, and the state, as well as its ability to organize and unite large social groups.*

**Key words:** religion, secularism, tolerance, spirituality, equality, secularization, conscience, freedom of conscience, democracy, spiritual harmony, spiritual excellence.

### КИРИШ

Диний бағрикенглик ғоясига таянган Ўзбекистонда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, бир заминда

яшаб, меҳнат қилиб келаётган, бир вақтда “дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш, жамият, давлат ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Изоҳли лугатларда дунёвийлик атамасига инсоннинг маънавий мезонларни дунёга нисбатан ўлчаб яшашини англатадиган тушунча сифатида қаралади. Шунингдек, барча динлар ҳамда турли қарашларни тенг ҳурмат қилиш, фуқароларнинг динидан қатъий назар қонун олдида тенглиги масаласи ҳам дунёвийликка хосдир. Дунёвийлик тушунчасини динийлик билан мутлақ қарама қарши қўйиш тўғри эмас. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қараш усуллариидир.

Бугунги кунда дунёвий турмуш тарзига диннинг мослашиш жараёнини ифодалаш ва дин билан сиёсатнинг ўзаро нисбатини тавсифлаш учун илмий адабиётларда “секуляризация” атамаси кенг қўлланилади. Секуляризация сўзи лотинча «saeculum» сўзидан олинган бўлиб, “дунёвий” деган маънони англатиб, у давлат ва жамият бошқарувида диний анъаналар ўрнини дунёвий қонунчилик тизими эгаллашига нисбатан ишлатилади.

Бизга маълумки, дин ўзида фақатгина диний ақида ва ибодатларни камраб олиш билан кифояланмай, аввало ўзига умуминсоний ахлоқ меъёрларини сингдирган ва уларни умуммажбурий хулқ–автор қоидаларига айлантира олган. Жамиятда турли миллат ва дин вакилларининг баҳамжихат яшшида, жамият аъзоларида эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлашда, турли ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида, энг муҳими умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан - авлодга етказишда диннинг алоҳида ўрни бор. Дин маънавий яқинлик ва руҳий ҳамоҳангликни таъминлашдек функциясига қўра, интеграциянинг муҳим омили ҳисобланади. Дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манфаатлар уйғунлигини таъминлашда ҳам диннинг улкан ижтимоий гуруҳларни уюштира олиши, бирлашишини таъминловчи мафкуравий вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган бўлсада, мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин кишилар менталитети, ахлоқи ва маданияти билан диалектик алоқадордир. Шу сабабли ҳам, ҳар қандай дунёвий давлатда жамиятнинг бирдамлиги, ўзаро аҳиллиги, жипслиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлашда дин ўзининг алоҳида ўрнига эга.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз ўтмиш тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай

мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажralmas қисмига айланиб кетган қадриятлар - бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими – буларнинг барчасини рад этади”, дея таъриф беради.

Диний манбаларда нафақат эътиқод ва ибодат масалалари ёритилган, балки ўтган халқлар ҳаётидан ибратли ҳикоялар ҳам мужассам бўлиб, уларда оғир синовларни бошидан кечирган пайғамбарлар ҳаёти, бузғунчиликка берилган халқлар, натижада улар бошига жазо сифатида тушган фалокатлар намуна қилиб кўрсатилади. Мазкур ҳикояларни ўқиб, тўғри хулоса чиқарган киши гуноҳлардан тийилишга, савобли ишларни қўпроқ қилишга ҳаракат қиласди. Албатта бу ўз навбатида ҳар қандай жамиятда соғлом ижтимоий ҳолатнинг юзага келишига ёрдам беради. Бизга маълумки, улуг аждодларимиз азалдан дунё ва охиратни ўзаро муштарак ҳолда тасаввур этганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида таъкидланганидек, “Охиратни ўйлаб дунёни, дунёни ўйлаб охиратни эсдан чиқарманлар”, зеро дунё охират зироатгоҳидир, дунёни обод қилган кишининг охирати ҳам обод бўлади. Жумладан, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Даст ба кору дил ба Ёр” (Қўлинг ишдаю, қалбинг эса Аллоҳ билан бўлсин) шиорида ҳам айнан шу мазмун, яъни дунё ва охират ишларини баравар, бирга олиб бориш маъноси мужассам.

Барча динларда мавжуд бўлган мутаассиблик кайфиятидаги айрим гуруҳлар дунёвийликни гўёки “даҳрийлик” (истилоҳга кўра, даҳрийлик бу Худонинг борлигига шак келтириш, ишонмаслиқдир), “диндан чиқиши” деб талқин қилишга ҳаракат қилишмоқда. Гўёки уларнинг даъволарига кўра, дунёвий шахс гўё яратганинг буйруқларини, муқаддас китобларини инкор этади. Бу каби тоифалар дунёвий илм-фан, маданият ва санъатни мутлоқ инкор этишни гўёки дин кўрсатмаси даражасига кўтарадилар. Тарихда дин номидан жаҳолатни тарғиб этишга мисол тариқасида ўрта асрларда Европадаги инквизиция судларида черков номидан илм-фан соҳаларида янгиликларни очган кашфиётчиларнинг турли жазоларга тортилиши, олимларнинг таъкиб қилинишини келтириш мумкин. Бундай ҳолат бошқа динлар доирасида ҳам кузатилиб туради. Аслида эса, соғ диний таълимотга кўра, инсонлар манфаатига хизмат қиладиган илмнинг ҳар қандай тури савобли амаллардан саналади. Ўзбекистон аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи эътиқод қиладиган ислом динида ҳам дунёвийлик ва динийлик чегаралари белгиланмаган. Ислом таълимотига кўра, инсонларнинг дини, жони, насаби, ақли ва молига фойда



келтирадиган ҳар қандай амал диний жиҳатдан ҳам маъқулланган, савобли иш ҳисобланади..

Исломда дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмай, балки, ислом динининг муқаддас манбалари-Қуръони Карим ва Ҳадисларда ҳам инсон бу дунёси учун ҳам ҳаракат қилиши кераклиги уқтирилади.

Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан замонавий дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечириш мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда. Ваҳоланки, дунёвий қонунлар ҳақида ислом уламоларининг фикрларини қўйидагича умумлаштириш мумкин: замонавий жамият талабларига мувофиқ чиқарилган қонунлар шариатга зид келмаса, ундай қонунлар шариатдандир. Дунёвий ишлар шахс ва жамият манфаатларини кўзлар экан, улар дин таълимотларида доим қўллаб-қувватланган. Дин дунёвий ишларнинг маънавий жиҳатларини тартибга солиб турган. Масалан, бу ишнинг савоб ёки гуноҳ, маънавий жиҳатдан мумкин ёки мумкин эмаслиги каби.

Динийлик ва дунёвийлик ҳақида сўз борганда, давлатчилик мавзусини ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас. Ислом дини таълимотида давлат сиёсий тузилмасининг муайян шакли кўрсатилмаган. Фақатгина умумий тамойиллар белгиланган. Уламолар бу тамойиллар 4 та эканини айтадилар: тенглик, эркинлик, адолат ва машварат. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат қандай шаклга эга эканидан қатъий назар, у ислом динига мувофиқ келади. Бугун Ўзбекистонда ушбу тўрт тамойил асосига эга фуқаролик жамияти қуриш босқичида динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мувозанатни шакллантириш силлиқ кечмади. Ҳали ҳануз бу йўлда мусулмон аҳли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган уринишлар давом этмоқда. Дунёвийлик тамоилии Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни билан хуқукий кафолатланган. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли - дунёвий демократик йўлдир. Ҳалқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда.

## ХУЛОСА

Хулоса шуки, дунёвийлик Аллоҳга имон келтирган ҳолда, уни қалбда сақлаб, Яратган инъом этган ақл-заковат, билим ва тажрибани ишга солиш, эл-юртни обод қилишга ҳисса қўшиш, ҳалқнинг ҳурматини қозонишdir. Зоро, “Ҳалқ рози бўлса, Холик рози бўлади”, дейди улуғ мутафаккиrimiz Алишер Навоий. Ёшларимиз жамият, давлат манфаатларига хизмат қилувчи янги-янги инновацион ғоя ва технологияларни кашф этишса, энг сўнгти илм-фан



ютуқларини қўлга киритишса, энг муҳими “портлаш эфекти” сифатида дунёга ўз миллати интеллектини тараннум этишса нур устига аъло нурдир. Зеро Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Халқимизни рози қилсак, уларнинг оғирини енгил қилсак, уларнинг дарду ташвиши билан яшасак, Яратган ҳам биздан рози бўлади”.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 111.
3. Панжиев С. “Маънавий таҳдидлар шароитида ҳақиқатнинг аҳамияти. ЎзМУ хабарлари. – Т: “Университет”. 2013-йил махсус сон. – Б. 202.
4. Ҳусанов Б.Э. “Глобаллашув жараёнида ахлоқ ва эстетика фанларининг ўрни. ЎзМУ хабарлари. – Т:“Университет”, 2009 йил 4-сон. – Б. 6.
5. Фалсафа қомусий луғат: Қ.Назаров ва бошқ. – Т.: ЎзФМЖН. 2004.
6. Тафаккур журнали. – Тошкент. 2013. 2-сон. – Б. 88.